

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2026 йил февраль ойининг 2-куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ж.Убайдуллаев, халқ маслаҳатчилари А.Саидова ва Р.Мирзаевадан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Т.Худайбергенов котиблигида, тарафлардан Яшнобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Рахматов, судланувчи К.Расулмухамедов ҳамда унинг ҳимоячиси адвокат А.Ахмедовнинг иштирокида, Расулмухамедов Кобилжон Алимовичга оид №1-1009-2504/1004-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Расулмухамедов Кобилжон Алимович (Rasulmukamedov Kobiljon Alimovich), 1983 йил 1 август куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оиласидан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2023 йил 7 апрелдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 661-моддасига асосан тугатилган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Катта Янгиобод МФЙ, Шоҳимардон кўчаси, 13-уйда яшовчи, ушбу жиноят иши бўйича 2025 йил 19 ноябрдан “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми, 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи К.Расулмухамедов, тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиб, парваришлаб келган.

2025 йил 16 октябрь куни, Яшнобод тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қора дори” тезкор тадбири жараёнида К.Расулмухамедовнинг яшаш уйи, яъни Яшнобод тумани, Катта Янгиобод МФЙ, Шоҳимардон кўчаси, 13-уй холислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадон ҳовлиси томорқасида махсус ишлов бериб ўстириб келинаётган яшил рангли, ўткир ҳидли 2 туп, 14 та шохдан иборат ўткир ҳидли ўсимлик борлиги аниқланиб, ашёвий



далил сифатида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 22 октябрдаги №3924-сонли хулосасига кўра, К.Расулмухамедовнинг уйдан олинган 2 туп ўсимликларда “тетрагидроканнабинол” гиёҳванд фаол модда мавжудлиги, бу ўсимликлар “наша ўсимлиги” деб аталувчи наркотик ўсимликларига кириши ва “марихуана”, “гашиш” деб аталувчи гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун хом-ашё ҳисобланиши аниқланган.

Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари томонидан тезкор ҳаракатлар давом эттирилиб, холислар иштирокида К.Расулмухамедовнинг яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжаликлари кўздан кечирилганида, хонадоннинг иккинчи қаватига чиқиш зинапояси остида ҳўл ҳолдаги 4 та қутига жойланган, хонадон кириш йўлагидан ҳўл ҳолдаги 1 та қутида ҳамда хонадоннинг ётоқхона қисмидан ҳўл ҳолатдаги 2 та қутида яшил рангли, ўткир ҳидли ўсимликсимон моддалар борлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 21 октябрдаги №3922-сонли хулосасига кўра, К.Расулмухамедовнинг уйдан олинган моддалар таркибида “тетрагидроканнабинол” гиёҳванд фаол модда мавжудлиги, бу ўсимликлар “марихуана” деб аталиши ва унинг ҳўл ҳолатдаги соф вазни 2.2023,59 граммга тенглиги аниқланган.

Судланувчи К.Расулмухамедов суд мажлисида айбига қисман иқрор бўлиб, илгаридан “наша” гиёҳвандлик воситасини 2023 йилда уйда ёнғин бўлиб, бир қизи вафот этиб ва бир қизи 55 фоиз куйиш жароҳатлари олганидан сўнг, қаттиқ сиқилишдан сўнг истеъмол қилиб келишини, интернет тармоғи орқали куйиш жароҳатларининг битиши, уларнинг ўрни силлиқлашиб кетиши учун “наша” ўсимлигидан олинадиган компонентлар ёрдамида дори тайёрлаш усулини кўриб, ўз уйда “наша” ўсимлигини етиштиришга аҳд қилганлигини, сўнгра уйининг ҳовлисига “наша” ўсимлигини экиб, уни парваришлаб, кўп миқдорда йиғиб ва “наша” ўсимлигининг мойини йиға бошлаганлигини, ушбу мой асосимда бошқа нарсаларни ҳам кўшиб, қизи учун малҳам тайёрлаб, доимий равишда уни бориб кўриб ва баданига малҳам суртиб келганлигини, етиштирилган “наша” ўсимлигининг бир қисмини тамакига аралаштириб, сигаретга ўраб, чекиш йўли билан ўзи истеъмол қилганлигини, бироқ бирор марта ҳам “наша” гиёҳвандлик воситасини бирор шахсга сотмаганлигини ва текинга ҳам бермаганлигини, уни уйдан аниқланган икки килограммдан ортиқ “наша” ўсимлиги қуригач тахминан 250-300 грамм бўлишини, ундан 8-10 грамм мой олиш мумкинлигини, ушбу мой қизининг бир йиллик малҳамига етарли бўлишини, мазкур ҳолатда “наша” гиёҳвандлик воситаси фақатгина қизининг малҳами учун етиштириб, бир қисмини ўзи ҳам истеъмол қилганлигини, “наша”



гиёҳвандлик воситасини сотиш ёки ўтказиш нияти бўлмаганлигини, ўзини берган кўрсатувлари доирасида айбдор деб билишини, ҳозирда содир қилган ҳаракатлари оқибатларини тушуниб етиб ва бундан пушаймонлигини билдириб, унга енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Г.Жолдасова суд мажлисида, судланувчи К.Расулмухамедов қўшниси бўлишини, 2025 йил 16 октябрь куни кўчада ички ишлар ходимлари йиғилиб кетишганини кўриб, қизиқиб нима бўлганини сўраганида, ички ишлар ходимлари унга қўшниси К.Расулмухамедовнинг уйини кўздан кечиришлари лозимлигини билдириб, ушбу ҳолатда холис сифатида иштирок этиб беришини сўрашганлигини, у рози бўлгач, ички ишлар ходимлари ва қўшнилари Э.Абдурахмонов билан К.Расулмухамедовнинг уйига киришганлигини, шунда ҳовлининг девор қисмига осиб қўйилган икки туп яшил рангли ўсимлик ва уйнинг иккинчи қаватининг зинапоя қисмида қуритилаётган ҳолда бўлган 4 дона қоғоз қутиларда ўткир ҳидли ўсимликсимон модда, иккинчи қават кириш йўлаги қисмида 1 қутида ва ётоқхона қисмида 2 дона қоғоз бўлакларига ўралган ҳолда бўлган ўткир ҳидли ўтсимон моддалар ва 3 литрли банкаларда шунга ўхшаш моддалар ва қуритиш учун қўйилган узунлиги икки метрдан ўтадиган яшил ўтсимон моддалар борлиги аниқланиб, ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, К.Расулмухамедовнинг уйига бегона одамлар келишмаслигини, К.Расулмухамедовнинг гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишини ёки сотишини эшитмаганлигини ва кўрмаганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ А.Холикулов суд мажлисида, Тошкент шаҳар Яшнобод туман ИИО ФМБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келишини, мазкур жиноят иши доирасида К.Расулмухамедов уйида етиштирилиши тақиқланган гиёҳвандлик воситалари экиб парваришлаб келиши ҳақида келиб тушган тезкор маълумотга асосан текширув ўтказилиши белгиланиб, К.Расулмухамедовнинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, ҳовлининг девор қисмига осиб қўйилган икки туп яшил рангли ўсимлик ва уйнинг иккинчи қаватининг зинапоя қисмида қуритилаётган ҳолда бўлган 4 дона қоғоз қутиларда ўткир ҳидли ўсимликсимон модда, иккинчи қават кириш йўлаги қисмида 1 қутида ва ётоқхона қисмида 2 дона қоғоз бўлакларига ўралган ҳолда бўлган ўткир ҳидли ўтсимон моддалар ва қуритиш учун қўйилган узунлиги икки метрдан ошиқ яшил рангли ўтсимон моддалар борлиги аниқланиб, ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, воқеа куни “наша” ўсимлиги ўсиб турган бўлмасдан, балки янги узилган ва қуритиш учун осиб ва ёйиб қўйилган ҳолда топилганлигини, наша ўсимлиги икки туп бўлганлигини, баённомада 14 туп деб адашиб кўрсатилганлигини, бундан икки тупи бевосита наша ўсимлиги пояси бўлиб, қолган 12 та



наша ўсимлиги ушбу туплардан узилган шохлар бўлганлигини, тезкор маълумотда К.Расулмухамедовнинг гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланиши кўрсатилмаганлигини билдириб, ҳақиқатан К.Расулмухамедовни уйида наркотик моддаларни сотишга тайёрлаш учун махсус асбоб ускуналар топилмаганини баён қилиб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Н.Мадаминова суд мажлисида, судланувчи К.Расулмухамедов собиқ турмуш ўртоғи эканлигини, ҳақиқатдан ҳам 2023 йилда яшаб келган уйларида ёнғин содир бўлиб ва икки нафар қизлари кийиш жароҳатларини олиб, бир нафар қизлари вафот этганлигини, иккинчи қизлари эса баданининг 55 фоиз куйиш жароҳатларини олганлигини, шундан сўнг қаттиқ тушкунликка тушиб, ажрашиб кетишганлигини, бунда қизи у билан, ўғли эса К.Расулмухамедов билан қолганлигини, К.Расулмухамедов мунтазам равишда қизидан хабар олиш учун келиб, унга турли ўзи тайёрлаган дори ва малҳамларни суртиб, даволаб юрганлигини, у меҳрибон ота эканлигини, гарчанд муносабатлари бузилиб кетган бўлсада, унинг ушбу хислатларини тан олишини, К.Расулмухамедов тайёрланган малҳам ва дориларни нималардан тайёрлаганини билмаслигини, аммо қизининг жароҳатларига малҳамларни мунтазам равишда суртиб, уларни силлиқлашиб кетишини айтиб келганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи К.Расулмухамедовнинг айби билдирги, тушунтириш хатлари, ашёвий далилни олиш баённомаси, суд-кимёвий экспертизасининг ҳамда судга оид наркологик экспертизасининг хулосалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан К.Расулмухамедовнинг тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, суд судланувчи К.Расулмухамедовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан эълон қилинган айбловни муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддаси 1 ва 3-қисмларида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги; иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам



енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

Кодекснинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги; ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилиши; ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши; ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши; суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши; суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозимлиги қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми диспозициясида, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини сотишда ифодаланган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги (Олий суди Пленумининг 2020 йил 3 июлдаги 12-сонли, 2022 йил 14 майдаги 9-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 12-сонли Қарорининг 20-бандида, дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарурлиги, бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида қўшимча равишда ЖК 25,273-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги;

Қарорнинг 21-банди 3-хатбошисида, шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ЖК 273-моддасининг <https://lex.uz/uz/docs/111453> - 4021696тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши;

Қарорнинг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари,



уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, тергов органи мазкур ҳолатда К.Расулмухамедовнинг гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланганини тасдиқловчи бирор маълумот, яъни гиёҳвандлик воситаси сотиш юзасидан келишуви аудио-, видеоқайдлари, шу мазмундаги хабарлар, тезкор хабар ёки ариза мавжуд эмаслиги, шу билан бирга, унинг уйида гиёҳвандлик воситаларини ўлчаш ва муайян дозаларда қадоқлаш учун махсус асбоб-ускуналар, тарози, қути, зип-пакетлар аниқланмагани ҳолатига етарли аҳамият бермаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ҳамда ЖПК 23-моддаси талабларига мувофиқ, ишда юзага келадиган ҳар қандай шубҳа-гумон ва ноаниқликлар, гарчи уларни бартараф қилиш имконияти тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилинади.

Гарчанд жиноят ишида К.Расулмухамедовнинг уйдан аниқланган гиёҳвандлик воситаларини сотишга қаратилган мақсадини тасдиқловчи объектив далиллар мавжуд бўлмасада, унинг уйдан аниқланган “марихуана” гиёҳвандлик воситасининг миқдори, яъни қуритилмаган ҳолатда икки килограммдан ортиқ миқдорда топилганлиги, суд ушбу гиёҳвандлик воситалари фақатгина истеъмолни истисно қилувчи миқдорда топилган деган хулосага келади.

Бундай ҳолатларда, суд ҳайъати ишнинг ҳақиқий ҳолатларидан келиб чиқиб, судланувчи К.Расулмухамедовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан, озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида сақлаш аломатларига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3 ва 4-бандларида жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида



мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи К.Расулмухамедовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг шахсини, яъни муқаддам судланмаганлигини, оилавий ва моддий шароитини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, жиноятни ғараз ниятларда содир қилганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, унга айбли деб топилаётган ЖКнинг 270-моддаси билан жазо санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш, ЖКнинг 273-моддаси жазо санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, шу билан бирга, судланувчи К.Расулмухамедовнинг шахсини, оилавий аҳволини, яъни қарамоғида икки нафар фарзанди бўлиб, кичик қиз фарзанди баданининг 55 фоизи куйиши жароҳати олганлигини ва К.Расулмухамедов уни даволаш билан боғлиқ ҳаракат ва ҳаражатларни ўз зиммасига олиб, мунтазам равишда унинг дори-дармонлари, малҳамларини харид қилиб, тайёрлаб, уни ўзи парваришлаб келишини, К.Расулмухамедов реал тарзда жазо ўташи, унинг оилавий аҳволи ҳамда қизининг соғлиғига кескин салбий таъсир ўтказиши мумкинлигини инobatга олиб ва К.Расулмухамедовни жазони ўтамасдан туриб, хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, ЖК 72-моддасини қўллаб, тайинланган жазони шартли ҳисоблаб, синов муддати белгилашни, у гиёҳвандлик касаллигига йўлиққанлиги ва даволанишга муҳтожлигини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддаси тартибида гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаш чораларини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, суд ҳайъати жиноят иши юзасидан ашёвий далил сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МХТБ Бошқармасига 2025 йил 19 ноябрь куни 13806-сонли далолатнома орқали топширилган 2.021,79 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддаси ҳамда 14 дона “наша” ўсимлигини тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454–455, 457, 462–463, 466–468, 472–473-моддалари талабларига риоя қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Расулмухамедов Кобилжон Алимович (RASULMUNXAMEDOV KOBILJON ALIMOVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Расулмухамедов Кобилжон Алимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга



озодликни чеклаш жазоси тайинлансин;

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган турли хилдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан К.Расулмухамедовнинг 2025 йил 21 октябрдан 22 октябрга қадар 2 (икки) кун дастлабки қамоқда сақланган муддатини ҳамда 2025 йил 19 ноябрдан 2026 йил 2 февралга қадар 76 (етмиш олти) куни уй қамоғида сақланган муддатини, жами 78 (етмиш саккиз) куни тайинланган жазодан чегириб ташлаш йўли билан, узил-кесил 4 (тўрт) йил 10 (ўн) ой 12 (ўн икки) кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси тартибида К.Расулмухамедовга тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Маҳқум К.Расулмухамедовнинг хулқи устидан назорат олиб бориш унинг яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман ИИО ФМБга юклатилсин.

К.Расулмухамедовга яшаш жойи ўзгарса, бу ҳақида унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органларга хабар бериб туриш ва мазкур органлар белгилаб берган вақтда келиб рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклатилсин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

К.Расулмухамедовга синов муддати давомида ўзига юкланган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган, шунингдек янги жиноят содир этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддаси 6 ва 8-қисмларида кўрсатилган оқибатлар юзага келиб, назорат қилувчи органнинг тақдимномасига биноан суднинг ажрими билан жазонинг шартлилиги бекор қилиниб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқарилиши ёки ЖК 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилсин.

К.Расулмухамедовга нисбатан танланган “уй қамоғи” тариқасидаги эҳтиёт чораси “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг К.Расулмухамедовга нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 96-моддасига асосан, Расулмухамедов Кобилжон Алимович яшаш жойи бўйича тиббий



муассасаларда гиёҳвандликдан мажбурий даволансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач ашёвий далил сифатида олиниб, Ўзбекистон Республикаси ДХХнинг МХТБ Бошқармасига 2025 йил 19 ноябрь куни 13806-сонли далолатнома орқали топширилган 2021,79 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддаси ҳамда 14 дона “наша” ўсимлиги тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят қилишга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи	(имзо)	Ж.Убайдуллаев
Ҳалқ маслахатчилари	(имзо)	А.Саидова
	(имзо)	Р.Мирзаева

“Аслига тўғри”

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

